

ТҮЙЛАРДАГИ МИЛЛИЙЛИК

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий
ходими Шириной Йигиталийева*

Хар бир миллатнинг ўз урф-одати бўлгани каби ўзбек халкини хам никох тўйини ўтказишда ўзига яраша маросимлари мавжуд. Мисол

Учун: Нон синдириш маросими- Қуда томонга (келинникига) 3-5 киши (куёвнинг яқин кишилари)дан иборат таркибда патир нон, холва ва бошқа ширинликлар билан борилади. Ушбу маросимда иккала тараф вакиллари иштирокида устма-уст турган бутун нонлар teng ўртасидан иккига бўлиб ушатилади ва ҳар иккала тарафга бирдек (холва ва ширинликлар) тақсимланади.

Куёв ва келин томонга “Муборак бўлсин”, “Ҳаётлари шу ширинликлардек ширин бўлсин” дея синдирилган нон ва ширинликлардан таътиб қўришади ҳамда икки ёш никоҳ қилингани тўғрисида яқинларига билдириш учун ширинликлардан нон ва холва бўлакларидан тарқатишади. Ана шундан сўнг Кичик ва катта фотиҳа юбориш маросими бўлиб ўтади. Бу маросимда куёв тараф келин томонга (келинникига) 3-5 киши (куёвнинг яқин кишилари)дан иборат таркибда йўқлов юборилади. Ушбу маросимда иккала тараф вакиллари иштирокида тўй куни, уни ўтказиш тартиби ва бошқа жиҳатлари аниқланади.

Мавжуд вазифа ва муаммолар ўзаро келишиб олинади. Ушбу тадбирда ҳар иккала томондан умуний ҳисобда 10 – 15 киши қатнашади.

Маросимни ўтказишдан мақсад, кексалар фотиҳасини олиш, мавжуд вазифалар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни келишиб олиш, тўй кунини ҳамда уни ўтказиш тартибини белгилашдан иборат.

Тўй фотиҳаси икки қуда томонидан, маҳалла фуқаролар йифини қошида ташкил этиладиган маросим кенгаши билан келишилган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда патир ушатиш, оқлик бериш, тўй кунини белгилаш ишлари ортиқча ҳаражатларсиз ўтказилади. Натижалар эса ҳар икки қуда томонидан ўзларининг яқин қариндош ва қўни-қўшниларга маълум қилинади. Бунда барча мавжуд муаммолар ортиқча такаллуфсиз ҳал этилади.

Қуда тарафларнинг бир-бирига ҳурмати сақланиб, улар ўртасида маънавий яқинлик ришталари мустаҳкамланади.

“Тўй бериш” ёки келин томонга “Тўй юбориш”

Келин томонга куёв тарафдан 4-5 та вакил тўй олиб келади. Турли масалалар қудалар иштирокида келишиб олинади. Қадриятлар асосида куёв тараф вакилларига келин тарафдан сарполар кийдирилади. Маросимни ўтказиша келин ва куёвларга қилинадиган сарполар меъёрдан ошмаслиги, ёшларга бериладиган оиласи анжомлар фақат янги оиланинг мустақил шакилланиб бўлгунига қадар етарли даражада бўлиши зарур.

Бу маросимнинг ўтказилиши натижасида нафақат икки қуда тўй ҳаражатларини келишиб олишади, балки улар ўртасида бўлажак оила олдида маънавий масъулият бурчи пайдо бўлади.

Қиз базми

Мазкур маросимнинг ўтказилиши аслида ихтиёрийдир. Бу маросим никоҳ тўйидан аввал келиннинг уйида ўтказилади.

Қиз базмига келиннинг дугоналари, қариндошлар, қўшнилар таклиф қилинади (кейинги пайтларда санъаткорлар иштирокида кичик базм сифатида ўтказилиши урф бўлган).

Бу маросимнинг ўтказилиши натижасида ота-онага бўлган ҳурмат, иззат каби маънавий қадриятлар ёшлар онгига янада сингдирилади.

Ёшларда халқимиз қадриятларига, ўз оиласига ва кекса авлод вакилларига ҳурмат туйғуси пайдо бўлади. Ижтимоий муносабатлар янада мустаҳкамланади.

Бу базмни ортиқча дабдабабозликларсиз ўтказиш мақсадга мувофиқ деб белгиланган.

Күёв навкар

Никоҳ базмидан аввал күёв ва унинг дўстлари келинникига карнай ва сурнай садолари остида боришади. Келиннинг хонадонида улар учун дастурхон безатилади.

Күёв ва унинг дўстлари меҳмон қилинади, ош берилади ва күёвга зар чопон кийдирилади. Келин ва күёвнинг никоҳлари домла-имом томонидан (қонуний никоҳлари ФХДЁ томонидан расман қайд қилингандан кейин, никоҳ гувоҳномаларига асосан) қайд этилади.

Күёв навкарлари дастурхондан тургандан кейин келин уйидан яхши ният билан чинни идишлардан олиб кетадилар.

Поёндоз

Никоҳ базмидан кейин күёвнинг дўстлари келиннинг яқин қариндошлари бўлган йигитлар билан күёвнинг никоҳ маросимидан чиқишини оstonада кутиб турадилар. Ёши улуғ кексалар поёндоз учун тайёрлаб қўйилган атлас матони күёв оёқлари пойига тушайдилар. Күёв ўнг оёғини босгандан кейин уни олиб күёв ва келин томондан поёндоз тортишга шайланиб турган йигитларга оширишади. Шундан поёндоздан бир бўлак бўлсада йиртиб олиш учун кейин икки томонлама “кураш” бошланади. Бу шўх ва қувноқ ўйин давомида йигитлар поёндоз маросими пайтида “қўлга киритган” қийқимларини яхши ниятлар билан олиб кетадилар. Бу мато бўлаклардан аёллар румолча, тумор тикадилар ёки келин-куёвларга атаб тикиладиган кўрпа-ёстиқларга қироқ сифатида ишлатилади.

Маросимнинг ўтказилиши натижасида уйланиш, авлодлар давомийлигини таъминлаш сингари маънавий қадриятлар ёшлар онгиға янада сингдирилади.

Никоҳ тўйи

Никоҳ базми дўстлар, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, қўшнилар иштирокида ўтказилади. Тўй дастурхони турли ноз-неъматлар билан безатилади. Базм миллийлик анъаналар асосида олиб борилади.

“Никоҳ тўйи” халқимизнинг тарихий ривожланиши жараёнида сайқалланиб, бизгача етиб келган миллий маънавий қадриятларимиздан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1 Гулистон журнали 6/2020

2 Манавий хаёт 4/2022

3 мозийдан садо 1/2019